



ENSURING PUBLIC SAFETY DURING FLOODS

Abdukhalilov Hojiakbar Dilmurod ugli

Teacher of the Academy of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan, senior lieutenant

Usmanov Abdulaziz Ravshanjan ugli

Cadet 1-training course 131 group of Academy of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11352681>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2024

Accepted: 26th May 2024

Online: 27th May 2024

KEYWORDS

Floods, natural disasters, human activities, fire, tsunami, evacuation, state of emergency, mass unrest.

ABSTRACT

This article explores floods as a type of natural disaster, discussing their main causes, the social and economic harm they cause, and the efforts being made to prevent them. It also looks into the effects of floods on public safety, identifies the countries that often experience floods, and provides data on the damages incurred.

СУВ ТОШҚИНЛАРИ ПАЙТИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Абдухалилов Ҳожиакбар Дилмурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўқитувчиси, катта лейтенант

Усмонов Абдулазиз Равшанжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 1-ўқув курси 131-гурӯх курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11352681>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2024

Accepted: 26th May 2024

Online: 27th May 2024

KEYWORDS

Сув тошқинлари, табиий офатлар, техноген ҳодисалар, ёнғин, цунами, эвакуация, фавқулодда ҳолат, оммавий тартибсизликлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада табиий офатларнинг бир тури сифатида сув тошқинлари, уларнинг асосий сабаблари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга етказадиган зарарлари, сув тошқинларини олдини олиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, сув тошқинларининг жамоат хавфсизлигига таъсири, сув тошқинлари кузатилган давлатлар ҳамда унинг натижасида етказилган зарарлар статистикаси ёритилган.

Ижтимоий ҳаётнинг асосий муаммоларига айланиб улгурган, жамоат тартибини бузилишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайдиган, инсон омили билан яратилган бино, иншоотларни йўқ қилиб юбориш кучига эга бўлган, фуқароларнинг яшаш учун бошпаналаридан айрилишига сабабчи бўлаётган ҳамда уларнинг ҳаётдан кўз юмишига олиб келаётган сув тошқинлари бутун жаҳон ҳамжамиятини ҳушёрликка чақирмоқда.

Сўнгги ўн йилликлардаги дунёдаги энг муҳим муаммолардан бири глобал иқлим ўзгариши бўлди. Табиий тизимларнинг мувозанатининг бузилиши ҳарорат



аномалияларига, ёғингарчилик режимининг ўзгаришига, шунингдек, бўронлар, тошқинлар, зилзилалар ва қурғоқчилик каби ҳодисаларнинг кўпайишига олиб келди.

Сув тошқини тарқалиш майдони ва ўртача йиллик моддий зарар бўйича энг хавфли ва тез-тез учрайдиган ҳалокатли фалокатлардан биридир. Табиий офатларнинг учдан икки қисми тошқинлар, шунингдек, бўронлар, тайфунлар ва цунамилар билан боғлиқ.

Сув тошқини - дарё, кўл ёки денгиз суви сатҳининг кўтарилиши натижасида қуруқликни сув босиши. Дарё суви, асосан, ҳаво температураси кескин кўтарилиб, қор ёки музликлар қисқа вақтда кўп миқдорда эриганда, қаттиқ жала қуйганда тошади. Дарё ўзанига муз тикилиб қолганда ҳам тошқин рўй беради. Денгиз соҳиллари ва оролларда зилзила пайтида ёки океанда вулқон отилганда тўлқин кўтарилиши натижасида ҳам вужудга келади¹.

Ўтган йиллар давомида бутун дунё бўйлаб минглаб инсонлар сув тошқини туфайли ўлим, вайронагарчилик ҳолатлари қурбони бўлди.

Об-ҳаво номуносивблиги, карбонат ангидрид чиқиндиси кўпайиши ва бошқа турли экологик омиллар ёғингарчилик ортидан катта тошқинларни келтириб чиқарди. Натижада аҳоли манзиллари, экин майдонлари мислсиз зарар кўрди.

Таҳлиллар:

Энг даҳшатли тошқинлардан бири Ливияда кузатилди. 2023 йил 10 сентябрь куни Ливия шимоли-шарқига етиб келган кучли “Даниэл” циклони Ўрта ер денгизи соҳилидаги Бинғози, Ал-Байда, Ал-Марж, Соуса ва Дерна шаҳарларига кучли шамол, момақалди роқ ва ёмғир олиб келди. Табиий офат 4 300 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

“World Weather Attribution” халқаро ташаббуси томонидан чоп этилган ҳисоботга кўра, техноген иқлим ўзгариши Ливияда сув тошқини эҳтимолини 50 баробар оширган.

Ундан ташқари, Конго Демократик Республикаси шарқидаги Жанубий Киву вилоятида кучли ёмғир ва тошқин 438 кишининг ҳаётдан олиб кетди. Шимолий Киву музофотидаги конлардан бирида 100 дан зиёд ишчи кўчки остида қолди².

Грецияда 2023 йил 5 сентябрь куни кучли ёмғир оқибатида юзага келган тошқинда 17 киши ҳалок бўлди. Довул ва бўрон минглаб инсонларни бошпанасидан жудо қилди.

2023 йил август ойида Хитой шимолидаги Хебей музофотида **“Доксури”** тўфони сабаб сув қоплаган ҳудуддан **1,2** миллион киши кўчирилди. 2023 йилнинг сентябрь ойида мамлакат жанубидаги **Гуандун** провинциясида ҳам кучли ёмғир ва тошқин кузатилган эди.

Африка жануби-шарқида содир бўлган **“Фредди”** тўфони туфайли Малавида мингдан кўп одам ҳалок бўлди. Сув тошқини ва кўчкига сабаб бўлган довул оқибатида 499 инсон қурбон бўлди, 1332 киши жароҳатланди³.

¹ https://uz.wikipedia.org/wiki/Suv_toshqini

² <https://daryo.uz/k/2024/03/28/kongo-harqidagi-janglar-6-millionga-yaqin-odamni-uylarini-tashlab-ketishga-majbur-qildi-bmt>

³ <https://aniq.uz/yangiliklar/2023-yil-yuz-bergan-yirik-suv-toshqinlari>



Сомали жанубида сув тошқини 460 минг кишини турмушини издан чиқарди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти табиат ҳодисасидан зарар кўрган минтақада вабо ва безгак тарқалишидан хавотирланиб, шошилиш чора кўрилган мурожаатни эълон қилди.

2024 йилнинг 15 апрель кунлари кучли ёмғир ёғиши оқибатида БАА да кузатилган сув тошқинлари 4 кишини ҳаётдан олиб кетган бўлса, Оманда ушбу кўрсаткич нисбатан юқори яъни 18 кишини, Эронда 8 кишини, Яманда 1 кишини ҳаётдан олиб кетган⁴.

Ундан ташқари, жорий йилнинг апрель ойи давомида Россия Федерациясининг Оренбург вилоятида⁵, Қозоғистоннинг Ақтўбе, Оқмўла, Атирау, Қўстанай, Павлодар, Манғистау ва Шимолий Қозоғистон вилоятларида⁶, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида⁷ кузатилган сув тошқинлари мамлакат ижтимоий ҳаёти ҳамда иқтисодиётига жиддий зиён келтирди.

Сув тошқинларининг асосий сабаблари:

Сув тошқинларининг асосий сабаби сифатида узоқ муддатли ёмғир ёғиши, қор эриши, цунами, тупроқ жинсларининг емирилиши, тўғонлар ёки сув омборларининг бузилиши, инсон омили, бошқа табиий ва техноген сабабларни мисол келтириш мумкин.

Қуйидагиларни ҳам асосий сабаблар қаторига киритиш мумкин:

Муз тиқилиши: баҳорда, дарёлардаги муз эрий бошлаганда, лекин тўлиқ эриши учун вақт бўлмаганда, муз тиқилиши пайдо бўлиши мумкин. Ушбу тирбандликлар сувнинг эркин оқимида тўсқинлик қилади, бу эса қирғоқ ҳудудларини сув босишига олиб келиши мумкин.

Тўсиқлар: дарёлар оқимида кирадиган дарахтлар, ахлат ва бошқа нарсалар тиқилиб қолиши мумкин, бу ҳам сув оқимида тўсқинлик қилади ва сув тошқинига олиб келиши мумкин.

Тор каналлар: агар дарё каналлари катта ҳажмдаги сувни ушлаб туриш учун етарлича кенг бўлмаса, бу дарёларнинг тошиб кетишига ва сув тошқинига олиб келиши мумкин.

Иқлим ўзгариши: иқлим ўзгариши денгиз сатҳининг аста-секин кўтарилишига олиб келади, бу эса қирғоқ ҳудудларини сув тошқинларига нисбатан заифроқ қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.11.2020 йилдаги “Табиий офатлар оқибатида аҳолига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 747-сон қарорига мувофиқ, *табиий офат* — маълум бир ҳудуддаги ёки сув зонасидаги табиий фавқулудда вазият манбаи пайдо бўлиши натижасида юзага келадиган, одамларнинг қурбон бўлишига, соғлиғи ва атроф-муҳитга зарар етишига, жиддий моддий йўқотишларга ва одамлар яшаш

⁴ [https://ru.wikipedia.org/wiki/_\(2024\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/_(2024)) (Мурожаат вақти: 26.05.2024 йил)

⁵ https://ria.ru/category_navodneniya-v-rossii--2024/

⁶ <https://www.bbc.com/russian/articles/c84zlw1ln3ko>

⁷ <https://uz.kursiv.media/2024-04-09/uzgidromet-navodneniya-mogut-prijti-v-uzbekistan/>



шароитларининг бузилишига олиб келган табиий хусусиятли фавқулодда вазият тариқасида келтирилган⁸.

Табиий офатларнинг техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан асосий фарқи шундаки, табиий офатлар ўз ўзидан табиий кучлар ёрдамида вужудга келадиган ҳодиса сифатида эътироф этилиши лозим. Шунга қарамасдан, инсон омили билан чақирилган ёмғирлар кучли сув тошқинларига олиб келмоқда.

Жумладан, 2024 йилнинг апрель ойида БААда қўшимча ёғингарчиликни кўзғатиш учун булутларни титан оксиди аралашмаси ва туз билан “суғориш” миллий дастури доирасида ўтказилган тадбирлар мувафаққиятсизлик билан тугади.

Ундан ташқари БАА миллий метеорология марказидан (НСМ) катта синоптик Эсраа Алнакби “Атмосферанинг юқори қатламидаги паст босим тизими паст сирт босими билан биргаликда ҳавони” сиқиб чиқарадиган босим каби ҳаракат қилди” деб тушунтирди⁹.

Ундан ташқари, ҳавони аномал исиши иқлим ўзгаришларига олиб келмоқда. Бу эса ўз ўрнида музликларнинг эриши ҳамда айрим сув тошқинларини содир бўлишига замин яратмоқда.

Глобал исиш – бу ер атмосфераси ва жаҳон океанининг сирт қатламининг ўртача йиллик ҳароратини босқичма-босқич ошириш жараёни. Йигирманчи асрнинг охиридан бошлаб ердаги ўртача ҳарорат 0,7°C га кўтарилди, сўнгги 50 йил ичида кузатилган исишнинг катта қисми инсон омили туфайли юзага келди.

Бу, биринчи навбатда, қазиб олинган ёқилғиларни (кўмир, нефть, газ, торф) ёқиш натижасида “Иссиқхона эффекти”ни келтириб чиқарадиган углероднинг чиқарилиши. Глобал исиш инсоният учун бир нечта ўзига хос хавф туғдиради: океан сатҳининг кўтарилиши, ғайритабиий ҳодисалар, абадий музнинг эриши, инфекцияларнинг тарқалиши, биологик ҳилма-хилликнинг йўқолиши, озиқ-овқат муаммолари ва иқтисодий оқибатлар. Энди олимлар тахминан 30 йил ичида Арктика муздан халос бўлиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Ҳозирги вақтда глобал исиш ҳақида эмас, балки глобал иқлим ўзгариши ҳақида гапириш одатий ҳолдир¹⁰.

Сув тошқининг асосий сабаблари табиий ҳамда инсон омили билан юз бермоқда. Жумладан, “Сардоба” сув омбори тўғонининг ўпирилишига лойиҳа ҳужжатларидаги хато ва камчиликлар, қурилишдаги хато ва камчиликлар ҳамда эксплуатациядаги хато ва камчиликлар сабаб бўлгани аниқланган.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси маълумотларига кўра, Сардоба сув омборидаги фожиа натижасида 108 та фермер ва қишлоқ хўжалик корхонасининг жами 16 525 гектар ери зарарланган. 9 734 гектар чигит, 6 821 гектар ғалла, 231 гектар сабзавот экинлари, 1 095 гектар полиз, 14 гектар картошка, 154 гектар боғ ва 83 гектар боғ ораларига экилган сабзавот экинлари сув остида қолиб, яроқсиз ҳолатга келган¹¹.

⁸ <https://lex.uz/docs/5123931>

⁹ [https://ru.wikipedia.org/wiki/_\(2024\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/_(2024))

¹⁰ “Влияние глобального потепления на таяние ледников” <https://tajmedun.tj/ru/novosti/universitet/vliyanie-globalnogo-potepleniya-na-tayanie-lednikov/>

¹¹ Сардобадаги сув тошқини қанча ерни ҳосилсиз қолдиргани очиқланди <https://qalampir.uz/news/sardobadagi-suv-toshk-ini-k-ancha-yerni-%D2%B3osilsiz-k-oldirgani-ochiklandi-21135> (мур. вақти: 26.05.2024)



Ундан ташқари, ер сатҳига чиқиб қолган ҳар хил турдаги чиқинди ва ахлатлардан чиққан бактериялар чорва моллар ҳамда бошқа уй ҳайвонларини касалланишига олиб келди.

Жамоат хавфсизлигига таъсири:

Жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Сел, сув тошқинлари хавфлилик даражаси юқори бўлиб, республиканинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида кўп кузатиладиган табиий офатлар ҳисобланади.

Кўпинча сел оқимлари қўшни давлатлар – Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида ҳосил бўлиши сабабли сел оқимлари трансчегаравий ҳам бўлиши мумкин.

Сел, сув тошқинлари оқибатида турар жойлар, ижтимоий соҳа ва аҳолининг ҳаёт маромини таъминлаш объектлари, инфратузилмалар, муҳандислик, ҳимоя, ирригация иншоотларининг вайрон бўлиши, уларнинг тошқин сувлари ва лой остида қолиб кетиши, дарё ўзанларининг ўзгариши ва ҳудудлар санитария-гигиена ҳолатининг ёмонлашуви жамоат хавфсизлигига асосий таҳдидлар ҳисобланади.

Сўнгги ўн йилда сел, сув тошқинлари сони кескин ортди ва ушбу даврда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 650 тадан ортиқ сел, сув тошқинлари кузатилиб, сўнгги беш йил ичида шу каби ҳолатлар сони 141 тага ошган.

Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида юзага келган мавсумий тошқинлар сув сатҳининг кўтарилишига, дарёлар ўзанлари ўзгаришига, қирғоқларнинг емирилишига олиб келиб, аҳоли пунктлари ва экин майдонларини сув босишига (сув тошқинларига) сабаб бўлади.

Қор ва музликларнинг жадал эриши натижасида ҳосил бўладиган кўп миқдордаги сувлар, дамбалар ва музли кўллар тўғонларининг эҳтимолий ўпирилиши, қўшни давлатлар томонидан йирик сув омборларидан сувнинг чиқариб юборилиши, дарёлардаги музларнинг механик эритилиши оқибатида дарё ўзанларининг ўзгариши, сув сатҳининг кўтарилиши ва қирғоқларнинг ювилиши ҳудудлардаги аҳоли пунктлари ва экин майдонларини сув босиш хавфини юзага келтирмоқда.¹²

Мавзу қанчалик долзарб эканлигини бўлиб ўтган сув тошқинларини таҳлил қилиш, етказилган зарарларни ҳисоблаш, унинг оқибатларини бартараф этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида улкан масъулият юкламоқда. Айниқса, трансчегаравий фавқулудда вазиятларда оператив вазиятни келтириб чиқариши жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашни бевосита амалга оширувчи органлар фаолиятини бирмунча қийинлаштиради.

Жумладан, Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори билан боғлиқ фавқулудда вазият натижасида Қозоғистоннинг Туркистон вилояти ҳам катта талофат кўрган эди.

¹² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.08.2023 йилдаги “Иқлим ўзгариши ва табиий офатлар хавфига нисбатан миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга оширишни ташкил этиш тўғрисида” 362-сон Қарори



Шу билан бирга, республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида рўй бераётган сел оқимлари, тошқинлар ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг сони ҳамда кўлами аҳолини ва ҳудудларни бундай хавфлардан муҳофаза қилиш чораларини кучайтиришни, шунингдек, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу борадаги ҳамкорлигини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жамоат хавфсизлигини тизимлаштириш ва содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларда зарурий чоралар кўриш ва аҳолини зудлик билан ҳодиса содир бўлган жойдан эвакуация қилиш ва саломатлигини сақлаш уларнинг уй жойларига иложи борича шикаст етишини олдини олиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ саналади.

Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида бир неча ваколатлар белгилаб берилган.

Жумладан:

Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиши ва ер кўчкиси ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича ҳукумат комиссияси тасдиқланди.

Куйидагилар **Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясининг** асосий вазифалари этиб белгиланди:

- хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга тайёргарликни ошириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда самарали ҳамкорлигини таъминлаш;
- сел, сув тошқини, қор кўчкиси ва ер кўчкиси хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда жойлашган аҳолини вақтинча кўчириш ва кейинчалик (зарур ҳолларда) босқичма-босқич хавфсиз жойларга доимий яшаш учун кўчириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ҳудудларда ҳамда вазирликлар ва идораларда хавфли табиий ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларнинг ҳолатини текшириш, шунингдек, ушбу масалалар бўйича мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш¹³.

Сув тошқинларнинг салбий оқибатлари, унинг мавжуд ривожланишга бўлган таъсири ҳамда асосий сабабларини Павлушкина Юлия Евгеньевна, Барашкова Полина

¹³ “Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш.2022 йил 18 ноябрь ПҚ-426-сон



Сергеевна, Шавва Андрей Александровичлар ўзининг илмий-назарий қарашларида ифодалаб ўтган¹⁴.

Ушбу йўналиш бўйича ривожланаётган мамлакатларда табиий офатларнинг орасида тропик бўронлар ва тайфунлар, цунами ва тошқинлар ҳукмронлик қилаётганлигини, улар табиий фавқулудда вазиятларнинг умумий сонининг тахминан 2/3 қисмини ташкил қилишлигини, қолган учдан бирида zilzilalar ва қурғоқчиликка тўғри келишини ва бошқа шу каби тадқиқотларни Осипов Виктор Ивановичнинг илмий қарашларида учратиш мумкин¹⁵.

Владимиров Виктор Алексеевич ҳамда Черных Геннадий Сергеевичнинг тадқиқотларида эса ҳозирги босқичда аҳоли ва ҳудудларни табиий характердаги хавф ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш муаммолари, уларнинг пайдо бўлиш хавфини камайтириш чораларини кўриш, мумкин бўлган фавқулудда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни ҳимоя қилишни такомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари ёритилган¹⁶.

Дарҳақиқат, тошқинлардан зарарни баҳолаш ҳам бугунги кундаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ана шундай муаммолар ечимига қаратилган тадқиқотлар эса Бурима Людмила Яковлевна ҳамда Макущенко Людмила Владимировнанинг илмий ишланмаларида ўз аксини топган¹⁷.

Таклиф:

Сув тошқинларини экология атроф муҳитни ифлосланиши, кучли ёғингарчиликлар, рельефнинг ўзгариши, музликларни эриши билан ифодалаш мумкин. Бу эса ўз ўрнида иқлимни ўзгаришига олиб келади. Ушбу масалага иқлимнинг глобал ўзгариши билан боғлиқ таклифлар билан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Глобал исишнинг олдини олишнинг асосий вазифаси: янги турдаги ёқилғини топиш, биринчи навбатда экологик тоза ёки ҳозирги ёқилғидан фойдаланиш технологиясини ўзгартириш.

Шу мақсадда қуйидаги механизм тақдим этилади:

- атмосферага иссиқхона газларини чиқаришни камайтириш;
- қозонхоналарда, фабрикаларда ва цех атмосферага чиқадиган чиқиндилардан тозалаш иншоотларини ўрнатиш;
- анъанавий ёқилғидан воз кечиш, янада экологик тоза ёқилғига ўтиш;
- ўрмонларни кесиш ҳажмини сезиларли даражада камайтириш ва уларнинг кўпайишини таъминлаш;

¹⁴ Павлушкина Юлия Евгеньевна, Барашкова Полина Сергеевна, Шавва Андрей Александрович Негативные последствия наводнений. Влияние наводнений на существующую застройку // Наука без границ. 2017. №5 (10). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/negativnye-posledstviya-navodneniy-vliyanie-navodneniy-nasuschestvuyuschuyu-zastroyku> (дата обращения: 26.05.2024).

¹⁵ Осипов Виктор Иванович Что такое катастрофы и как с ними бороться // Наука из первых рук. 2010. №6 (36). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/chto-takoe-katastrofy-i-kak-s-nimi-borotsya> (дата обращения: 26.05.2024).

¹⁶ Владимиров Виктор Алексеевич, Черных Геннадий Сергеевич Анализ опасностей и угроз природного характера на современном этапе // Стратегия гражданской защиты: проблемы и исследования. 2013. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-opasnostey-i-ugroz-prirodnogo-haraktera-na-sovremennom-etape> (дата обращения: 26.05.2024).

¹⁷ Бурима Людмила Яковлевна, Макущенко Людмила Владимировна Об оценке ущерба от наводнений // Научный результат. Экономические исследования. 2015. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ob-otsenke-uscherba-ot-navodneniy> (дата обращения: 26.05.2024).



- глобал исишнинг олдини олишни таъминлайдиган қонунларни яратиш;
- глобал исиш сабабларини аниқлаш, уларни кузатиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш.

Сув тошқини ва унинг олдини олишда давлатларнинг табиий жойлашуви иқлими ва хусусиятларини алоҳида ҳисобга олиш зарур.

Хулоса:

Юқорида келтирилган таҳлиллар ҳамда ушбу йўналишда аниқланган камчиликлар юзасидан берилган илмий-амалий таклифлар сув тошқинларига қарши курашиш, уларнинг содир бўлишини барвақт профилактика қилиш, шахс, жамият, давлат хавфсизлигини ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишга замин яратса ажаб эмас.

References:

1. ¹ https://uz.wikipedia.org/wiki/Suv_toshqini
2. ¹ <https://daryo.uz/k/2024/03/28/kongo-harqidagi-janglar-6-millionga-yaqin-odamni-uylarini-tashlab-ketishga-majbur-qildi-bmt>
3. ¹ <https://aniq.uz/yangiliklar/2023-yil-yuz-bergan-yirik-suv-toshqinlari>
4. [https://ru.wikipedia.org/wiki/_\(2024\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/_(2024)) (Мурожаат вақти: 26.05.2024 йил)
5. https://ria.ru/category_navodneniya-v-rossii--2024/
6. <https://www.bbc.com/russian/articles/c84zlw1ln3ko>
7. <https://uz.kursiv.media/2024-04-09/uzgidromet-navodneniya-mogut-prijti-v-uzbekistan/>
8. <https://lex.uz/docs/5123931>
9. [https://ru.wikipedia.org/wiki/_\(2024\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/_(2024))
10. “Влияние глобального потепления на таяние ледников” <https://tajmedun.tj/ru/novosti/universitet/vliyanie-globalnogo-potepleniya-na-tayanie-lednikov/>
11. Сардобадаги сув тошқини қанча ерни ҳосилсиз қолдиргани очиқланди <https://qalampir.uz/news/sardobadagi-suv-toshk-ini-k-ancha-yerni-%D2%B3osilsiz-k-oldirgani-ochiklandi-21135> (мур. вақти: 26.05.2024)
12. ¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.08.2023 йилдаги “Иқлим ўзгариши ва табиий офатлар хавфига нисбатан миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга оширишни ташкил этиш тўғрисида” 362-сон Қарори
13. ¹ “Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш.2022 йил 18 ноябрь ПҚ-426-сон
14. Павлушкина Юлия Евгеньевна, Барашкова Полина Сергеевна, Шавва Андрей Александрович Негативные последствия наводнений. Влияние наводнений на существующую застройку // Наука без границ. 2017. №5 (10). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/negativnye-posledstviya-navodneniy-vliyanie-navodneniy-na-suschestvuyuschuyu-zastroyku> (дата обращения: 26.05.2024).



15. Осипов Виктор Иванович Что такое катастрофы и как с ними бороться // Наука из первых рук. 2010. №6 (36). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/что-такое-катастрофы-и-как-с-ними-боротся> (дата обращения: 26.05.2024).
16. Владимиров Виктор Алексеевич, Черных Геннадий Сергеевич Анализ опасностей и угроз природного характера на современном этапе // Стратегия гражданской защиты: проблемы и исследования. 2013. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-opasnostey-i-ugroz-prirodnogo-haraktera-na-sovremennom-etape> (дата обращения: 26.05.2024).
17. Бурима Людмила Яковлевна, Макущенко Людмила Владимировна Об оценке ущерба от наводнений // Научный результат. Экономические исследования. 2015. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ob-otsenke-uscherba-ot-navodneniy> (дата обращения: 26.05.2024).